Ушбу сонда:

2 ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК: 800 тага яқин иш ўринлари яратилди

3 БАХТЛИ ЛАҲЗАЛАР

4 *Ифтихор* АНДИЖОН ПОЛВОНЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 16 август, сешанба № 129 (1970)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ АЙТАР СЎЗИ БОР

Ўзбекистон суверен давлат мақомини қўлга киритганига 14 йил тўляпти. Бугун, ана шу муқаддас сана арафасида - энг улуғ, энг азиз байрамимизга қизғин тайёргарлик давом этаётган паллада истиқлол йилларининг силсиласи ҳар кимнинг хаёлида яна бир карра жонланиши аниқ. Шу қисқа давр ичида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. «ЎзДЭУавто», «СамКочавто», нефтни қайта ишлаш корхоналари, газ-компрессор станциялари, трансконтинентал автомобил ва темир йўл магистраллари - булар фақат йирик лойиҳаларнинг айримлари.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тизимидаги кўплаб ташкилотлар, халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар, ТРАСЕКА, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, қатор бошқа халқаро ва минтақавий тузилмалардаги иштирокимиз эса Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсат майдонидаги нуфузи ортиб бораётганини кўрсатади.

Дарҳақиқат, ўтган 14 йил давомида Ўзбекистон тараққиётнинг нисбатан анча кўп вақт талаб этадиган довонларидан ошиб ўтди. Юртимизда эришилаётган ютуқлар ҳар доим ҳам осонлик билан қўлга киритилаётгани, бир маромда равнақ топаётгани йўқ, десак хато бўлмайди. Оғир синов дамлари ҳам бўлди.

Ўзбекистон мустақиллик арафасида турган кезлариёқ фитналарга дуч келди. Миллатлараро низоларни келтириб чиқаришга уринишни эсга олайлик. Ўшанда Ўзбекистон раҳбари вазминлик билан иш юритмаганида ҳозирги аҳвол қандай бўлишини тассаввур қилишнинг ўзи ваҳимали - Марказий Осиё халқлари ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик ўрнига бир-бирига душманлик йўлига тушиб қолиши ҳеч гап эмас эди. Йўқ. Бунга йўл қўйилмади.

Иқтисодий фитна ва найрангларни ҳам барча яхши эслайди.

Кейинроқ Марказий Осиёнинг марказий давлати бўлган Ўзбекистон орқали бутун минтақага таъсир доирасини ёйиш ниятида бўлганларнинг тазйиқларини бошдан кечирдик.

Одатда халқаро майдонда муҳим ўрин тутган, айтар сўзи муҳим аҳамиятга эга бўлган мамлакатларгина шундай синовларга дучор бўлади. Файласуфлар давлатни одамга бежиз қиёс қилмайдилар. Иши юришиб турган, ўз кучи ва меҳнати билан обрў-эътибор ва мартаба қозонган, керакли жойда сўзи ўтадиган кишига кўпчилик ҳасад билан қарайди. Унга панд беришга, йўлдан оғдиришга уринувчилар бўлади. Панадан туриб тош отади, бошқаларни унга қарши гижгижлашга уринади.

Шукрки, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида юритилаётган доно сиёсат, шу жумладан, пухта ўйланган оқилона ташқи сиёсат туфайли Ўзбекистон фитна ва синовлар гирдобидан омон чиқди.

Сиёсий ва иқтисодий бўронларни мардонавор енгиб ўтган Ўзбекистон пухта сиёсати туфайли ҳаётий муҳим муваффақиятларни қўлга киритиб келди. Сиёсий мустақиллик иқтисодий мустақиллик билан мустаҳкамланди - ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика мустақиллиги, ишлаб чиқариш ва саноатнинг Ўзбекистон учун янги бўлган турлари...

Мамлакатимиз раҳбарининг 90-йилларда турли нуфузли ташкилотлар минбарларидан халқаро ҳамжамиятни огоҳликка даъват этди. Афғон инқирози, террорчилик ва экстремизм, қуроляроғ ва наркотиклар контрабандаси, Орол муаммоси...

Бу чақириқлар ҳали-ҳануз долзарблигича қолмоқда. Моҳият шуки, Ўзбекистон раҳбарининг куюнишлари замирида, табиийки, аввало Ўзбекистоннинг хавфсизликни таъминлаш борасидаги манфаатлари мужассам, лекин кенгроқ қаралганда, буларнинг барчаси умумбашарий аҳамият касб этувчи муаммолардир.

Эсга олайлик: Жаҳон аҳлини Афғонистондан бутун дунёга тарқалаётган хавф-хатардан 1993 йили БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида биринчи бўлиб Ислом Каримов огоҳлантирди. Аммо Ўзбекистон раҳбарини ташвишга солган бу муаммога юзаки қарашлар бўлди. «Менга тегмаяптими, демак, менга дахли йўқ», деган фикр устун бўлиб келди. Террор учун транзит мамлакат йўқлиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслиги айрим давлат раҳбарларининг хаёлидан фаромуш бўлди гўё. Афғонистонга жиддий эътибор фақат 2001 йил 11 сентябрдан кейингина қаратилди. Бу фожеа кўпчиликнинг кўзини очган бўлса, ажаб эмас.

Таассуфки, наркотикларнинг ноқонуний савдоси инсоният учун ҳамон жиддий таҳдид манбаи бўлиб қолмоқда. Афғонистонда «Толибон» ва «Ал-қоида»нинг ўзаги барбод қилинган бўлишига қарамай, оғу етиштириш кўлами камайгани йўқ. Халқаро террорнинг асосий даромад манбаи ва ҳомийси ҳисобланган наркобизнес миллиардлаб доллар миқдорида маблағни «айлантираётган» бир пайтда, дунё давлатлари бу муаммога қарши кураш учун ажратаётган молиявий воситалар урвоқ ҳам бўлмаётир. Қолаверса, бу иллатга барҳам беришнинг асосий омили бўлган уюшқоқлик ва жипсликнинг, яқин ва очиқ ҳамкорликнинг амалда йўқлиги наркобизнес қамрови кенгайиши учун қулайликлар туғдираётгани ҳам сир эмас.

Ўзбекистон ҳам, бошқа давлатлар ҳам Макон ва Замон уммонида сузиб бораётган кемалардир. Ҳамма тараққиёт ва фаровонлик сари интилади. Аммо ўзининг катта-кичиклиги, савту салобатига қараб, йўлни ҳар бир кема турлича танлаган. Айримлари ҳалол, одил ва покиза. Айримлари ўзгаларни тизгинга солган, айримлари... ўзганинг тизгинида қолган.

14 йиллик шонли тарих Ўзбекистони ўзи танлаган йўлдан оғдиришга уринишларнинг анча-мунчасига гувоҳдир. Лекин Президент Ислом Каримов бундан анча йиллар илгари таъкидлаганидек, Ўзбекистон айсберг эмас ва оғиш хусусиятидан холидир.

Ўзбекистон дунёдаги барча давлатлар билан ҳамкорлик учун очиқ. Бунинг ягона ва одил шарти бор, холос. Алоқалар ўзаро тенглик, ҳурмат ва манфаатдорлик асосида қурилиши керак. Бу ҳамкорлик бошқа давлат ё давлатлар гуруҳига қарши қаратилмаган, ғаразли ниятлардан пок бўлиши лозим.

Мана шу қатъий ва изчил тамойил 14 йиллик улкан тарихда заррача ўзгармади.

Лекин Ўзбекистон бугун дуч келаётган ғайритабиий қийинчиликлар фитна ва синовлар ҳали барҳам топмаганидан далолат бермоқда. Нима учун «ғайритабиий»? Шунинг учунки, табиий қийинчиликлар давридан Ўзбекистон аллақачон чиқиб кетган. Бу ёғи, айтиш мумкинки, кундалик юмушлар, хўжалик, маданият, спорт ва ҳоказо бўлиши керак эди.

Ўзбекистонни ғайритабиий, ҳатто сунъий деб аташ мумкин бўлган мушкулотлар тинч қўймаётгани алам қилади. 16 феврал, Боткен, Сариосиё воқеалари, Тошкент ва Бухородаги портлашлар узун ташланган арқоннинг учи, аниқроғи, бир занжирнинг ҳалқалари эканлиги аён бўлди. Жорий йил 13 май куни Андижонда содир этилган хунрезлик эса ҳар турли важ билан Марказий Осиёда вазиятни издан чиқариш, кейин бу ерда ўз ҳукмини юргизиш ниятида бўлган кучларнинг ғаразли мақсадларини яна бир бор очиқ-ойдин кўрсатиб берди.

Андижон воқеалари замирида айрим давлатларнинг геосиёсий ўйинлари, ақидапарастларнинг халифалик қуриш ҳақидаги хомхаёллардан келиб чиқувчи режалари, халқаро террорчилар ва наркобаронларнинг янги, беташвиш ва беназорат трафиклар очиш йўлидаги хатти-ҳаракатлари мужассам дейиш мумкин.

Кўп синовларни бошдан кечирган Ўзбекистон тақдирнинг бу зарбасига ҳам дош бера олди ва бутун минтақани узоқ йиллик бошбошдоқлик ва беқарорлик азобларидан қутқариб қолди.

Шу ўринда Андижон воқеаларини бироз шарҳлашга жазм этамиз. Андижондаги қўпорувчилик ўта қисқа фурсатда, таъбир жоиз бўлса, заргарларча нозиклик, аниқлик ва эҳтиёткорлик билан бартараф этилмаганида нималар бўлиши мумкин эди?

(Давоми 2-бетда)

I. АЛПОМИШЛАР ДОСТОН АЙТГАН ЮРТДИР БУ!

Энг улуғ, энг азиз байрам арафасида турибмиз. Озодлик шукуҳидан баҳраманд инсон бундай пайтда ўзига-ўзи ҳисоб беради. Ўтмиши билан бугунини хаёлан қиёслайди. Мустақиллик фидокор халқимизнинг асрлар оша кутган орзуси эди. У бизга аввало инсондек яшаш саодатини, дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни намойиш этиш имкониятини берди. Кимлигимизни, буюк аждодларимиз бебаҳо меросини, улуғ қадриятларимизни англаб етдик. Эҳ-ҳе, Мустақилликнинг бу дориломон кунларига етиб келиш осон кечмади. Донишмандона ақл-идрок, шарқона вазминлик ва сабр-бардош ила узоқ йўл босиб келдик. Бу йўлдаги курашлар, йўқотишлар, хатолик ва ўнгланиш баробарида ўзимизни, ўзлигимизни англадик. Қонли қатағонлар, оловли урушлар бошимизга не кунларни солмади. Сабрни ризодан топиб, истиқлол саодатига эришдик. Шу боис, мустақилликнинг ҳар дақиқаси юракка туташ. Бугун қалбимизда, нигоҳимизда, бешикларимизда умидлар улғаймоқда. Умидга қоришиқ истиқлол йўллари ишончимиз билан нурга тўлиб бормоқда. «Бу жамиятда халқ ҳукмдорларга эмас, ҳукмдорлар халққа хизмат қилади».

Академик шоиримиз Ғафур Ғулом сатрларини эслайлик:

Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун,
Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз.

Фахр

Ҳа, шубҳасиз, бу сатрлар Истиқлолнинг қадри, учқур хаёллари ва кенг тафаккурининг тафаккуни билан жаҳонга юз тутган мустақилликнинг ўзбекистонимиз ҳақидадир. Негаки, инсон озод ёғдуларга унинг тафаккури талпинмайди. Тарих гувоҳ, ўтган кунлар гувоҳ, бу ҳақиқатга. Руҳимизга куч ва қувват берган:

Тириксан. Ўлмағансан.
Сен-да Одам, Сен-да Инсонсан.
Кишан кийма, Бўйин эгма,
Ки сен ҳам ҳур туғилгонсан,

деган ўтлуғ сатрлар муаллифи Чўлпондек маърифатпарварларимиз орзу-армонлари гувоҳ.

Истиқлол уларнинг муқаддас номларини шон-шарафга буркади. Турли йўллар билан камситилган Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз каби шаҳарларни жаҳон дурдонаси сифига киритди. Бу муаззам шаҳарлар тўйига дунё аҳли жамул-жам бўлди. Қадим юртга бобомерос қадриятлар, анъаналар қайтди. Шарқнинг нурли кошонаси бўлган Самарқанд обидалари «Шарқ тароналари»нинг нафис наволаридан зийнатланди. Қадим юртга қадим наволар қайтди. Истиқлол ёғдусидан Гўри Амир гумбазининг пештоқлари нурафшон бўлди, Бухоро, Хива миноралари боши кўкка етди. Халқ қаҳрамони «Алпомиш» достон айтиб Сурхонга келди. Куч - адолатда, дея халқимиз қалбида ғурур, фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиб кириб келган бобомиз Амир Темур руҳи Йўлбошчимиз бошлаган эзгу ишларга эш бўлди. Мирзо Улуғбек, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Моторидий каби алломаларимиз мероси кучимизга куч қўшди. Муқаддас қадамжолардаги ободлик ва эътибордан халқ қалби дарёланди, нотинч руҳлар осойиш топди. Ўзбек курашчилари баҳодирлик ва куч-қудратда жаҳонни лол қолдириб, олимпиада ғолиби бўлса, Муножотхоним хонишлари дунёни ҳайратга солди. Унинг соҳир овозини фарангу олмон, ҳабашу араб соатлаб тин олмай тинглашди. Мусиқа дилларни дилларга боғлади. Халқнинг руҳини кўтарувчи тадбирлар, эзгуликлар энг улуғ, энг азиз истиқлолимиз шарофатидандир. Мустақиллик туфайли юртимиз бунёдкорлик манзили, эзгулик қўрғонига айланди.

Асрларга татигулик ишлар куч-қудратимизга ишончимизни мустаҳкамлади. Уларда Мустақилликнинг элга бўлган шаҳду шиддатини кўрасан. Бу гўзал иморатлар лойиҳасини яратган, уни амалга ошириш йўлларини ўйлаган, қадриятларни тиклаш йўлида фидойилик қилган Президентимиз шижоатини кўрасан киши. БИТТА АВЛИЁНИНГ НОМИНИ ТИКЛАШ ҚАНЧАЛАР САВОБ ИШ, БУТУН БИР ТАРИХНИ ТИКЛАШ, ҚАДРИЯТЛАРНИ ЎРНИГА ҚЎЙИШ ЭСА ИСТИҚЛОЛНИНГ БУЮК МЎЪЖИЗАСИДИР!

Амина ҚОДИРОВА

ФЕСТИВАЛ САНЪАТ САРИ ЙЎЛ ОЧДИ

Болалар ижоди Ўзбекистоннинг кўп киррали маданиятида ўзига хос ўрин тутади. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ёш созандалари, раққослари, хонанда ва мусаввирлари кўпгина нуфузли халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритиб, Ўзбекистондан ташқарида ҳам танилмоқда. Бу эса Президентимиз Ислом Каримовнинг иқтидорли, билимли Ўзбекистон ёшларини ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги доимий ғамхўрлиги самарасидир. Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг энг истиқболли ижодий лойиҳаларини қўллаб-қувватлашдек хайрли иш билан нафақат давлат, балки жамоат ташкилотлари ҳам шуғулланмоқда.

Айнан шу мақсадда ўтказилаётган «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивалининг финал босқичи ва ғолибларнинг гала-концерти пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтди. Анъанага айланган мазкур фестивал «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган. Мазкур жамғармани республикамиз ҳамда хорижда ҳам мамлакатимизнинг бой маданиятини тарғиб қилувчи тадбирлар ташкилотчиси сифатида яхши билишади.

Ўтган йили ўтказилган биринчи фестивалда 300 нафардан ортиқ иқтидорли ўғил-қиз қатнашди. Уларнинг аксарияти учун бу тадбир ўзини намоён қилиш имконияти бўлиш билан бирга катта санъат эшикларини ҳам очди. Чунончи, жамғарма кўмагида «Янги авлод-2004» фестивалининг лауреати Нурон Муқимий Италияда ўтказилган XV Халқаро пианиночилар танловида иштирок этиш имконига эга бўлди. Баҳорда В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи Ўсмирлар симфоник оркестрининг иккита катта концерти ташкил этилди, мазкур оркестр таркибида эса фестивалнинг бир нечта лауреатлари бор. Жамғарма ташаббуси билан Самарқандда очилган Санъат ва болалар ижодиёти маркази ҳам иқтидорли болаларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш каби хайрли иш билан машғул.

Жорий йилда фестивал бутун республикани қамраб олди. Унинг Самарқанд, Фарғона, Урганч ва Тошкентда бўлиб ўтган саралаш босқичларида яқин ҳудудларда яшовчи 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 700 дан ортиқ иқтидорли болалар иштирок этди. Улар вокал, хореография, мумтоз ва миллий чолғу асбобларида ижро этиш, шеърият, тасвирий ва амалий санъат бўйича ўз маҳоратини намойиш қилди. Мамлакатимизнинг таниқли маданият арбоблари болаларнинг ижодига баҳо берди. Ўз маҳоратини кейинчалик янада ошириш салоҳиятига эга бўлган энг қобилиятли иштирокчилар финал босқичига йўлланма олди.

Халқлар дўстлиги саройи ранг-баранг байроқлар ва фестивал рамзи билан безатилган. Чунки бугун фестивал иштирокчилари учун ҳам, уларнинг мураббийлари ва ота-оналари учун ҳам, қолаверса, барча санъат шайдолари учун ҳам катта байрам. Ёш артистлар навбат билан саҳнага чиқади. Улар катта ҳаяжон оғушида бўлишига қарамай, ўз маҳоратини дадиллик билан намойиш этмоқдалар. Тошкентлик Ихтиёр Абдуллаев катта иштиёқ билан афғон рубобида куй ижро этди, навоийлик Рушана Рахмонова юксак маҳорат ва айни пайтда табиий бир назокат билан қўшиқ куйлади. Бухоронинг «Бойчечак» рақс гуруҳи ва бошқа иштирокчиларнинг ёрқин чиқишлари томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Фестивалнинг 15 ғолибига совринларни топшириш вазифаси ўзбек эстрадасининг таниқли артистларига юклатилди, улар тақдим этган дастурлар эса болаларнинг жўшқин иштиёқи, асл иқтидорини янада кенг намоён этди.

«Янги авлод» фестивали аввал катта саҳнага чиқиш имкониятига эга бўлмаган иқтидорли ўғил ва қизлар орасидан кўпгина янги номларни кашф этди. Санъат йўли одатда анча машаққатли бўлади. Шу маънода, қобилиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг маҳоратини ошира бориш ва ўз санъати билан Ватанни мадҳ этишига ёрдам беришдек муҳим вазифани «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивали бажараётгани эътиборга сазовордир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Иномова иштирок этди.

(ЎзА)

Президент Фармонини ўқиб

ЎЛИМ ЖАЗОСИ ўтмишда ва бугун

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 3-моддасида ҳар бир инсоннинг яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларга эгалиги белгиланган бўлса, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт»да яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи экани кафолатланган.

Шу йил 28 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Юртбошимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишга бағишланган Дастурий маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала - жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш тўғрисидаги одилона фикрни ўртага ташлади. Президент «Бу ўринда гап, айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида» бораётганлигини ҳамда мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ушбу масалани ҳал қилиш устида иш олиб борилаётганлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Орадан кўп ўтмай бу фикрлар ўз тасдиғини топди. Юртбошимиз инсонпарварлик ва одиллик конституциявий принциплари асосида ўта муҳим тарихий ҳуқуқий ҳужжат - «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Шу маънода 1 август санаси мустақил мамлакатимиз тарихий солномасида муҳим саналар қаторидан ўрин эгаллаши шубҳасиздир.

Содир этилган жиноятга яраша жазо белгилаш - жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига оғишмай амал қилиш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг долзарб масалаларидан биридир.

Аслида жиноятчиликка қарши кураш усулларини тубдан ўзгартириш, жиноятнинг олдини олиш ва уларни камайтириш чораларини кўриш барча давлатларда бир хил ҳал этилган эмас. Бунда давлатларнинг жуғрофий жойлашуви, халқларнинг миллий менталитети, диний қарашларининг хилма-хиллиги, минтақалардаги ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ ўзгаришлар ҳамда уларнинг тараққиёт даражаси ҳам муҳим ўрин тутади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, азал-азалдан жиноят ва жазо, жиноятчиликка қарши самарали кураш ва жиноятчиликнинг олдини олиш масаласи жамиятдаги энг мураккаб муаммолардан бўлиб келган.

Айниқса, содир этилган жиноят учун ўлим жазосини олиб ташлаш ёки қолдириш масаласи дунё ҳуқуқшуносларини, олимлар, амалиётчилар, сиёсатшуносларни, файласуфлар ва руҳшуносларни ўртасида минг йиллардан буён баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадимги грек файласуфи Диодот халқ мажлиси (қонун чиқарувчи кенгаш)да нутқ сўзлаб, ўлим ўта шафқатсиз жазо эканлиги, уни амалда қўллаш жиноятчиликнинг камайишига олиб келмаслиги ва самарасиз жазо тури эканлигини ўша давр амалиётидан аниқ мисоллар билан исботлаб берган.

(Давоми 3-бетда)

Истиқлол - менинг тақдиримда

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз якинлашгани сари юрагим фахр-ифтихорга тўлади. Истиқлол бизга инсондек яшаш бахтини берди. Бунга менинг хаётим, «Мохинур - Шахноза» кичик корхонам фаолияти ёркин мисол.

АДОЛАТ - ЭЗГУЛИККА ЙЎЛ ОЧАДИ

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка эътибор ва эъзозни кўриб бугун бир қувонсам, мустақилликдан олдин бу борадаги салбий ҳолатларни эслайман. Ёшлигимнинг энг яхши онлари оғир меҳнат билан ўтган. Эсимда 60-йилларда «Қирқ қизлар» ҳаракати бошланган эди. Ишда илғор, чевар 40 нафар теримчи қиз қишлоқлардан йиғилиб, алоҳида бригада тузилар эди. Мен ҳам ана шундай илғор теримчи қизлар сафида эдим. Ҳар мавсумда 10 тоннагача пахта терардим. Аслида бир оғиз сўз билан ифодаланаётган бу рақам ортида қанча меҳнат, қанча заҳмат ётганини бугун мутахассислар ҳайрат билан изоҳлашмоқда. Бироқ қадр топмадим. Кейинчалик оила қурдим, турмуш ўртоғим билан 11 фарзандни вояга етказдик, олий маълумотли қилдик. Бугун уларнинг камолини кўриб қувонаман.

Истиқлол ижодкор халқимиз учун чинакам яхшиликлар элчиси бўлди. Ишлайман деганга ер, ҳунармандга имкон берди. Замоннинг бундай шиддатини кўриб, ёшлар тугул мендек етмишни қоралаган аёл ҳам четда туролмадим. Аввал бир гектар боғ олиб, эл дастурхонини бойитишга ҳисса қўшдим. Кам даромадли, кўп болали оилалардан ёрдамимни аямадим. Мендек умри меҳнатда ўтган аёл учун 1 гектар боғнинг юмуши ҳеч нарса эмас. Қолаверса, невараларим қанотимга киришди, ўғил-қизларим дам олиш кунларини ана шу боғда ўтказишади. Менимча, энг яхши роҳат, дам олиш, ўз меҳнатинг билан топган, яратган боғ-роғинг, уй-жойингдир. Боғдаги ҳар бир дарахт менинг, фарзандларим меҳнати самараси. Унинг теграсида дам олишнинг эса файзи бўлакча. Ана шундай мароқли кунларнинг бирида дам олиб, телевизор кўриб тургандим. Бир каштачи аёл ҳақида кўрсатув беришаётган экан. Диққат қилсам, ўзимизнинг бухоролик экан, қадимий усулда сўзана тикиб, бу ҳунарни 50 қизга ҳам ўргатибди. Унинг сўзаналари чет элда ҳам харидоргир экан. Ўйлаб қолдим. Ахир менинг бу аёлдан нимам кам?! Яхши кашта тиксам, чеварликдан ҳам хабарим бор, қолаверса, зардўзлик ҳам қўлимдан келса...

Аммо бу ҳунарларимдан фақат оилам, яқинларим, ёру дугоналаримгина хабардор эди. Бошқача айтганда, ҳунарим уйнинг ичида қолиб кетаётган эди. Енг шимариб ишга киришдим. Биз боғиафзалликларнинг каштачиликда ўз мактабимиз бор. Чўл этагида жойлашган қишлоғимиз одамлари боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланса, аёллари чевар. Тиккан кашталаридаги нусхани дунёни у четида бўлса ҳам ҳамма танийди. Хуллас, ана шу унутилаётган Боғиафзал каштачилигини қайта тикладим. Аввал 5 нафар чевар билан иш бошлаган бўлсам, уларни бугун рамзий маънода қирқ чевар қизга етказдим. Менинг бу қирқ чеварим шўро замонидаги «қирқ қизлар»дан фарқи аёлга хос гўзал, нафис каштачилик касбида ишлашади. Турфа ипакларга қалб қўрини тўкиб, сўзаналар тикишади. Бу сўзаналар худди жаннатмакон Ўзбекистонимиз боғларини эслатади. Уларга боқиб ҳавасинг келади. Яхши мол харидор изламайди, балки бундай молни излаб харидорнинг ўзи келади. Аввало чеварларимиз меҳнатини мен қадрлайман, уларга сўзанадан игнани узган куни ҳаққини тўлайман. Қолаверса, бундай гўзал санъат асари бўлган кашталарнинг баҳоси ҳам ўзидай баланд. Уларнинг кўпчилик харидорлари хорижлик нафис санъат шайдолари. Мен ҳам чеварларимни шунга яраша рағбатлантириб бораман.

Даромадга яраша буромад деганларидек, бугун кичик корхонамиз зардўзлик, тикувчилик бўйича ҳам ўз мижозларига эга. Қолаверса, даромадимиздан кам таъминланган, кўп болали оилаларга, нуронийларга ёрдам кўрсатишни бурчимиз, деб биламиз. Айниқса, кўп болали, ночор оила қизларини ўзим тарғиб-ташвиқ қилиб корхонамизга олиб келаман, уларга касб-ҳунар билан бирга тадбиркорликни, замон билан ҳамқадам яшашни ўргataман. Эрта бир кун бу қизлар ўз йўлини топиб, бахти очилиб бирор хонадонга келин бўлиб борса, нони бутун, ризқи улуғ бўлсин, деб орзу қиламан. Ахир уларнинг ҳар бири менинг ҳамқишлоғим, замондошим. Донишманд бир зот айтганидек, биз инсонлар ҳаммамиз бир мақсад меваларимиз. Яралмоғимиздан мақсад - дунёни эзгуликка, яхшиликка, меҳрга тўлдирмоқдир.

Инсондаги бундай эзгу фазилатлар эса фақат мустақиллик, эркинлик муҳитида рўёбга чиқаркан. Яратганга беҳисоб шукурлар бўлсинки, бугун биз тадбиркору ҳунармандлар ана шундай замонда яшаяпмиз. Сўнгги ойларда тадбиркорликка оид Президентимизнинг Фармонлари, ҳукумат қарори эълон қилиниши эса фикримнинг исботидир.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз. Зеро, йўлимизни ёритгувчи - истиқлол қуёши, ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳимояловчи қонунларимиз бор. Йўлимиз эса эзгулик йўлидир.

Ҳ.САЛИМОВА,
Шофиркон туманидаги «Мохинур - Шахноза» кичик корхона раҳбари

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ АЙТАР СЎЗИ БОР

(Боши 1-бетда)

Аввало шуни эслатиб ўтиш жоизки, хорижий давлатлар махсус хизматларининг маълумотларига кўра, ўша куни Афғонистонда ва қўшни давлатлар чегараларида террорчи гуруҳларнинг ҳаракатга тушиб қолгани кузатилган. Улар саноқли кунларда бутун водийни катта тўполон майдонига айлантириши мумкин эди. Бу орада профессионал фитначилар акани укага, отани ўғилга душман қиларди. Турли миллатлар яшайдиган бу ҳудудда миллий низоларни чиқариш ҳам қийин эмас эди. Шундай «касб» эгалари йўқлигига ким шубҳа қилади?!

Хўш, кейин-чи? Кимдир халифалик учун кураша бошлайди, кимларнидир интиқом жунбишга келтиради. Бундай шароитда айрим давлатлар геосиёсий ва геоиқтисодий мақсадларини рўёбга чиқариш учун қайси тўдадан қандай фойдаланади - Худо билади. Лекин шуниси аниққи, бу бетартиблик узоқ вақт ҳукм суриши мумкин. Наркобизнеснинг ҳам куни туғади. Шу тариқа беқарорлик бутун Марказий Осиёдаги вазиятни издан чиқариши ҳеч гап эмас.

Афсуски, олди олинган бу мудҳиш оқибатга ҳам эътибор ҳамма жойда бир хил эмас. Андижон воқеаларидан кейин Ўзбекистон ахборот хуружига учради. Бу хуруж виртуал оламда Ўзбекистонни бадном қилишга қаратилган эди. Лекин ахборот хуружи ташкилотчилари кўзлаган мақсадига эриша олмади.

Андижон воқеаларидан кўп ўтмай, Лондонда портлашлар юз берди. Дунё мамлакатларидаги зўравонлик ва хунрезликларга мутлақо алоқаси йўқлигини айтиб келадиган халқаро экстремистик ташкилотларнинг раҳбарлари бу қадим шаҳардан яхши бошпана топгани сир эмас. Лекин шу ҳолда ҳам Лондонда қўпорувчилик содир этилди. Ёдга беихтиёр «етим қўзи асрасанг...» деб бошланувчи мақол келади.

Ўзбекистон - террор ва экстремизмга биринчи тўсиқ вазифасини ўтаётган «фронтолди мамлакат», бу иллатлардан кўп азият чеккан давлат. Мамлакатимизга қарши бошланган ахборот хуружи Ўзбекистоннинг ташвишли даъватларига, огоҳлантиришларига соя солмоқчи эди. Лондонда содир этилган, Европанинг бошқа давлатларида олди олинган портлашлардан кейин бу фитна ташкилотчиларининг кўзи сал очилгандай бўлди. Зеро, бировнинг кулфатидан ўз манфаати йўлида фойдаланиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган.

Ҳа, Ўзбекистон истиқлолнинг биринчи кунларида эълон қилган тамойилларига содиқ турибди, халқаро муаммоларга муносабатини баралла эълон қилмоқда. Жаҳон аҳлини, бошқа давлатларни иқтисодий, сиёсий ҳамкорликка, таҳдидларнинг олдини олиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорликка даъват этмоқда. Мана шу ўзгармас сўз ва овоз, ўзгармас даъват - Ўзбекистоннинг ёруғ юзидир...

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг таъсис этилишида, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг тузилишида Ўзбекистоннинг ўз сўзи муҳим ўрин тутган.

«Шанхай бешлиги»га кузатувчи сифатида қўшилган Ўзбекистон бу «бешлик» негизида улкан салоҳиятга эга ташкилот тузиш ташаббусини илгари сурди ва шу шарт билан Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб қўшилди.

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ҳам Ўзбекистон ташаббусининг мевасидир. Минтақа давлатларининг халқ хўжалиги бир-бирига боғлиқ эканлигини инобатга олсак, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ҳамда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлик ана шу ташкилотнинг восита ва механизмлари ёрдамида ривож топиши энг мақбул йўл экани аён бўлади.

...Дипломатлар билан суҳбатлардан бирида бундай мазмундаги гап бўлган эди: турли нуфузли ташкилотларнинг форумларида, саммитларда иштирокчилар Ўзбекистон томонининг фикри қандай бўларкин, деган мушоҳада билан ўтиради. Чунки Ўзбекистон ҳеч қачон «навбатчи ташаббус», «навбатчи таклиф»ни илгари сурмаган, Ўзбекистон раҳбари эса сохта обрў ишқибози эмас. Шу боис ҳам бирор масала юзасидан Ўзбекистон томони билдирган фикр муқаррар инобатга олинади.

Ўзбекистон Президентининг хорижий сафарларини ёритишда қатнашган журналист сифатида шахсий кузатувларимдан мисол келтиришнинг айни чоғи: тасаввур қилинг, нуфузли ташкилотнинг саммитларидан бири. Президентлар бирма-бир сўзга чиқяпти. Мажлис залини монитор орқали кузатиб ўтирган журналистлар ўз мамлакати президентининг, айрим «катта давлатлар» раҳбарларининг нутқини эшитяптию гал «навбатдагилар»га келганда ҳеч бир истиҳоласиз чекиб келгани чиқиб кетишяпти.

Сўз Ўзбекистон раҳбарига берилади.

Президент Ислом Каримов сўзга чиқади. Ана шунда қизиқ воқеа содир бўлади. Турли мамлакатдан келган журналистлар яхшироқ эшитиш, диктофонга тиниқроқ ёзиб олиш учун монитор олдига уюлиб олишади.

Бу кўп бор кузатилган оддий ҳақиқат, одатий манзара.

Демак, ҳар соҳада, ҳар қандай масалада Ўзбекистоннинг ўз айтар сўзи бор. Бу сўзнинг нечоғли салворли эканини ўн тўрт йиллик тарихимиз исботлаб турибди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

БАРЧА БИРДЕК ЖОН КОЙИТСА

Худонинг берган куни дўконга кирамиз, бозор айланамиз. Ва беихтиёр нарх-наво билан қизиқамиз, сифатига эътибор қаратамиз.

– Кечирасиз, синглим, – дейди харидор сотувчини саволга тутиб, – шакарингиз қаерники?

– Польшаники, –деб жавоб қилади сотувчи самимийлик билан. – Кеча Данияники ҳам келди.

Харидор бироз иккиланиб, яна сўрайди:

– Ўзимизники, Хоразмда ишлаб чиқарилганидан йўқми?

– Тунов куни охирини сотиб юбордик-а, – дея хижолатомуз жавоб қилади сотувчи қиз. – Хабар олиб туринг, келиб қолар.

Манзаранинг устида бўлган одам беихтиёр дўкондан чиқиб бораётган харидорни тўхтатади:

– Узр, мен бир нарсани тушунмадим. Нега айнан Хоразм шакарини сўраб-суриштирдингиз. Қайтага чет эл-ники арзонроқ-ку?

– Арзоннинг шўрваси татимас, – дейди суҳбатдошингиз ва сўзининг исботи учун касб-кори сирини очиб қўйганини ҳам билмай қолади. – Ҳақиқий новвот Хоразм шакаридан қилинади. Ҳам шираси ўткир, ҳам таъми бошқача... Узумини егину боғини суриштирма, дейишади. Ростдан ҳам ҳамма нарсанинг таг-томиригача етиб бориб, таъбир жоиз бўлса, пойгакдан болохонагача изғиб чиқишга вақт қайда! Лекин баъзан шундай бўладики, қизиқиш эҳтиёжга айланиб, у ёки бу ҳодисанинг туб моҳиятига етишга ундайди кишини.

Биз ҳам ушбу мулоқот сабаб, шакар заводи жойлашган Ҳазорасп туманида бўлдик. Мустақилликка жонлар тасаддуқ. Йўл юрган киши, айниқса, буни яққол ҳис қилади. Қаердан ўтманг, буюк бунёдкорлик ҳавосидан тўйиб нафас оласиз. Дарвоқе, мамлакатимизда 1997 йилда иш бошлаган шакар заводи ана шу кўтаринки шукуҳ жозибасига ёрқин мисол. Тўрт йилдирки, бу ерда «Ўзбек-Австрия-Америка» қўшма корхонаси Хоразм филиали фаолият кўрсатмоқда. Хомашё Бразилиядан келтирилиб, шу ерда тайёр маҳсулотга айланмоқда.

– Корхона билан истеъмолчилар ўртасида воситачилик қилаётган ишбилармонларнинг елиб-югуришларидан

Касаба уюшмалари бозор шароитида

ҳам шуни билиш мумкинки, маҳсулотимиз харидоргир, – дейди филиал директори ўринбосари Галина Николаевна Ли соф хоразмча шевада. – Бу бизни хурсанд этади, албатта. Ахир ким меҳнат маҳсулининг ўз бозорига эгалигидан, истеъмолчилар томонидан муносиб баҳоланаётганидан қувонмайди, дейсиз.

Ҳа, иш бароридан келиб турса, кайфият ҳам аъло бўлади. Иш ҳақи ўртача 70-90 минг сўмни ташкил қилиб турса, ким илғорларга эргашиб, юқори кўрсаткичга эришишни хоҳламайди. Зоир Маҳмудов, Ойбек Отажонов, Қурбонбой Эшчанов... Улар талайгина. Улардан ибрат олиб, янги-янги марраларни кўзлаётганлар ундан-да кўп.

Иш ҳақингни ўз вақтида олиб турсанг, корхонага келиб-кетиш ташвишларини маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўз зиммасига олган бўлса, сенга яна нима керак? Меҳнаткашнинг фикри-хаёли фақат ишда бўладида. Дарвоқе, тунги сменада ишловчиларга ҳақ тўлаш оширилган коэффицент ҳисобида амалга оширилиши жамоа шартномасида ўз аксини топган. Яъни ҳар бир соат учун камида 1,5 баравар устама белгилаб қўйилган. Энди ўзингиз чамалаб, ҳисоблаб чиқинг ва сиз ишчи-хизматчилар нима учун катта миқдорда маош олаётганликларини англаб етасиз.

Шартномада иш берувчининг бурчлари алоҳида қайд этиб ўтилган. Унга кўра, жумладан, иш берувчи ходимга иш шароитларини яратиб бериш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаш, меҳнат муҳофазасига риоя қилиш, меҳнаткашларнинг талабларига эътибор билан қараш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб боришга мажбур.

Ноқулай меҳнат шароитида банд бўлган ходимлар ҳар олти ойда корхона ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказилиб, бепул дори-дармон билан таъминланади. Бундан ташқари, ходимлар корхона ҳисобидан турли ҳодиса ва касб касалликларидан эҳтиёт чора сифатида 1 миллион сўмгача суғурта қилиниши ўз ифодасини топган.

– Дам олиш хонаси мавжуд бўлиб, у яқинда 200 минг сўмга қайта жиҳозланди, – дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Олимжон Нурниёзов. – Эндиги мақсадимиз алоҳида, барча қулайликларга эга бўлган маънавият хонасини ташкил этиш.

Саломатлик – туман бойлик. Шуни инобатга олиб, 25 ишчи-ходим «Турон», «Чинобод», «Ботаника», «Чимён» каби бир қатор сиҳатгоҳларда дам олдирилди.

Айниқса, корхона томонидан «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармасига 10 миллион сўм ўтказилганлиги ҳар жиҳатдан савобга доҳиллик намунаси бўлди. Ахир фарзандлари соғлом юртнинг келажаги ҳам порлоқ-да!

Кўпнинг дуоси – кўл. Меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган моддий ва маънавий ёрдамдан тортиб, турли саналар муносабати билан амалга оширилаётган тадбирларда камхарж, кам таъминланган оилалар кўнглини кўтариш йўлида имкон даражасида қилинаётган саховатпешалик ўз ажр-мукофотини бермоқда.

Бу нимадан далолат? Демакки, даромад янада катта бўлади. Ижтимоий масалалар ҳам ўз-ўзидан ечимини топади. Фақат озгина ташаббускорлик ва ғайрат кўрсатилса кифоя.

З.РИХСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

СОВҒАГА «ДАМАС» МАШИНАЛАРИ

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги байрами ҳамда «Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан Республика шошилинч тиббий маркази вилоят бўлимига совға тариқасида ўнта «Дамас» машинаси берилди.

— Бундай эътибор ҳамда совғадан бошимиз кўкка етди, — деди марказ раҳбари Мейликул Ҳусанов. — Шу йилнинг ўзида кўпгина ишлар амалга оширилди. Бўлим ва хоналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ўн нафар шифокор хорижда малака ошириб қайтди. Бундай ўзгаришларни соҳадаги ислоҳотлар самараси деб ҳисоблаймиз. Буларнинг бари беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатишга замин яратади.

Қадим-қадимдан йўл қуриш хайрли ва савобли иш саналган. Равон йўллар-у мустаҳкам кўприклардан юрган йўловчилар уни қурганлар ҳақига дуолар қилишган.

Шу боис Жиззах тумани ҳудудидан ўтадиган барча йўллар кейинги йилларда анча яхшиланди. 3 километр халқаро, 102 километр республика миқёсидаги, 220 километр қишлоқ ҳудудидаги йўлларнинг равонлигига, сифатига йўлсозлар доимо эътибор беришмоқда.

Жиззах-Гагарин автомобил йўлининг 2,5 километри асфальтланди. Унинг 11 километрида эса ўрта таъмирлаш ишлари олиб бориляпти.

Суратларда: йўлсозлар ҳаётидан лавҳалар
Б.НОРҚУЛОВ
олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, уй меҳнатини ташкил қилиш тўғрисидаги Фармони аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда катта аҳамият касб этмоқда. Унда фуқароларнинг меҳнат қилиш, эркин иш танлаш ва ҳуқуқларини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, ишсизликни олдини олишда эҳтиёжманд оилаларга бир қатор имтиёзлар белгиланган.



ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК:

800 тага яқин иш ўринлари яратилди

Бу ғамхўрлик андижонликлар учун айни муддаодир. Негаки, мамлакат аҳолисининг 9 фоизи вилоятимизда яшайди. Шу билан бирга, мавжуд ер майдонларини жон бошига тақсимотида ҳам ер камчил минтақалар сирасига киради. Жумладан, Булоқбоши тумани аҳоли зичлиги жиҳатдан ажралиб туради. Шу кунларда туманимизда 100 мингга яқин фуқаро истиқомат қилмоқда. Улар 5 та қишлоқ, 1 та шаҳар фуқаролар йиғинларига жамланган.

Эҳтиёжманд оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун туманимизга 250 миллион сўмлик кредит ажратилди. Қарийб 500 та хонадон давлатимизнинг ушбу меҳрибончилигидан баҳраманд бўлди. Натижада оилавий касаначилик кенг қулоч ёйиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, кредитлар тақсимотида жамоатчилик назоратига таяниб фаолият юритяпмиз. Жойлардаги ўз-ўзини бошқариш органлари - қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари кредитлар тақсимотини ўз назоратига олганлар. Улар адолат ва ошкоралик тамойилларига амал қилган ҳолда иш тутяптилар.

Қувончлиси, туманимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик намоёндалари сафи тобора кенгайиб бормоқда. Айни пайтда 319 нафар фуқаро чорвачилик, 33 та фуқаро паррандачилик, 27 нафар фуқаро тикувчилик, 20 нафар фуқаро дурадгорлик, 13 нафар фуқаро косибчилик йўналишида оилавий меҳнат билан машғул. Бу билан 800 тага яқин янги иш ўринлари яратилди. Юқоридаги Фармондан сўнг, туманимиздаги ишбилармонларнинг, хусусан оилавий меҳнат билан шуғулланувчилар фаолиятлари янада ривожланди. Назорат идораларининг ноқонуний текширишлари барҳам топди, ҳокимият вакилларининг ҳуда-беҳудага аралашувларига чек қўйилди.

Эндиликда янги ташкил этилган оилавий тадбиркорлар эмин-эркин фаолият юритяптилар. Кредитдан самарали фойдаланиб, рўзғорига қут-барака киритаётган, савобли ишлари билан эл-юрт корига яраётган, маҳалладошларининг оғирини енгил қилаётган ишбилармонлар кўп. Масалан, Найман қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Охунбобоев маҳалласида яшовчи Муҳаммаджон Омонов оиласини олайлик. 9 фарзанднинг отаси Муҳаммаджон банкдан ажратилган 600 минг сўмлик кредит эвазига, бозордан соғин сигир, боқувга қўйиш учун новвос сотиб олди. Қорамоллар озуқаси учун қайғуришга ҳожат ҳам йўқ. Чунки, туман марказида "Асакаёғ" ҳиссадорлик жамиятининг омухта ем билан савдо қилувчи махсус дўкони очилди. Бу чорвачилик йўналишида ишлаётган хонадонлар қатори, Омоновлар оиласини ҳам мушкулини осонлаштирди. Шу кунларда сут, қаймоқ рўзғорнинг ўзидан чиқяпти. Ортган маҳсулотни эса маҳалла гузарига чиқариб, қўшимча даромад топишяпти. Боқувдаги новвосни парваришлаб, маълум муддатдан кейин, қассобхонага ўтказса, оила бюджетига мўмайгина кирим бўлиши тайин. Аҳолининг шахсий чорвачилик хўжалиги шу тариқа ривожланиб бормоқда. Кредит шарофати билан хонадонлардаги қорамоллар қўшимча 650 бошга, жумладан сигирлар 127 бошга, қўйлар 158 бошга, новвослар 258 бошга, паррандалар 4000 бошга кўпайди.

Ширмонбулоқлик II гуруҳ ногирони Адҳамжон Отабоевнинг ҳунарманд бўлишига қарамай, жамғармаси бўлмаганлигидан тадбиркорлик билан шуғулланишга қўли калталик қилаётганди. Банкдан имтиёзли кредит олгач, қишлоқ марказида пойафзал таъмирлаш устахонасини очиб, тикув машинаси билан жиҳозлади. Ота ёнига ишсиз юрган 2 нафар фарзанди ҳам қўшилди. 3 киши биргалашиб рўзғорга қарашаётганидан Адҳамжон аканинг кўкси тоғдек кўтарилган. Отахон шу кунларда устахонани кенгайтириб, янги маиший хизмат турларини йўлга қўйиш тараддудида юрибди.

Кулла қишлоғида истиқомат қилувчи Исмоилжон Исроиловга дурадгорлик ота касб. Бироқ, маблағ тақчиллигидан гулдек ҳунаридан фойдаланиш имконини тополмай юрарди. Устига-устак меҳнат биржасида ишсизлик мақомини олган оилалар рўйхатида турарди. Эҳтиёжманд хонадонларни моддий қўллаб-қувватлашга ажратилаётган қарз жонига оро кирди. Энди гап уни мақсадли ишлатишда қолганди. Якка тадбиркор сифатида ҳокимиятда давлат рўйхатидан ўтишга доир консалтинг хизматларининг бепул ташкил этилиши унга янада қулайлик туғдирди. Кредит қўйилмасининг бир қисмига хомашё - ёғоч-тахта, иш қуроллари харид қилди. Натижада ўзигина эмас, фарзандлари ҳам ишли бўлди. Эшик-ром, дераза, жовон, мебел тўпламлари ҳунарманднинг қўлидан чиқа бошлади. Исмоилжон аканинг ишбилармонлиги маҳалладошларига маъқул тушди. Бинокорлик ва рўзғор ашёларини туман марказига бормай, маҳалланинг ўзидан сотиб ола бошладилар. Ёшлар Исмоилжонга шогирдликка тушяптилар. Кичик корхона ишга тушгач, маҳаллага файз кирди.

Тадбиркорларга молиявий ёрдам кўрсатишда банкларнинг ўрни катта. Тумандаги "Пахтабанк", "Халқ банки"да мижозларга ҳамма қулайликлар яратилган. Қишлоқларда банкларнинг филиаллари, шахобчалари мунтазам ишлаб турипти. Ходимлар ишбилармонларга бизнес режа тузиш, кредитлардан оқилона фойдаланиш, фоизларини қай тарзда қайтариш ҳақида атрофлича тушунча беряптилар. Шунингдек, улар қишлоқ ва маҳаллаларда Президентимизнинг тадбиркорликни рағбатлантиришга доир Фармонлари, қарорларининг мазмун-моҳияти ҳақида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ўтказяптилар. "Пахтабанк" томонидан оилавий касаначиликни ривожлантириш учун 200 миллион, "Халқ банки" томонидан 50 миллион сўмлик кредит маблағлари етказиб берилди.

И.НОРМАТОВ,
Булоқбоши туман аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

Орамиздаги одамлар

Наманган вилоятида ғаллачилик қишлоқ хўжалигининг бош тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Тармоқда ҳосилдорлик 50 центнердан ошганлиги фикримиз далилидир. Бу ютуққа фермер хўжаликлари қўшаётган ҳисса, айниқса, салмоқли бўлмоқда. Ана шундай илғор хўжаликлардан бири Алишер Дадабоев раҳбарлик қилаётган хўжаликдир.

Миришкор Алишер Дадабоев:

«ЭЛ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН БЎЛСИН»

Алишер вилоят марказига туташиб кетган қишлоқда туғилиб ўсди. Демак айтиш мумкинки, шаҳар боласи. Лекин тенгдошларидан фарқли ўлароқ деҳқончиликка, чорвага меҳр қўйди. У экинларни парвариш қилишни ёқтирар, бозор-ўчар ишларига укаларини юборарди. Аммо отасининг тавсиясига кўра 8-синфни битириб, Учқўрғон савдо ва иқтисод техникумига ўқишга кирди. Уни тугатиб, Наманган туманининг Бешкапа қишлоғидаги дўконда сотувчи бўлиб иш бошлади. Орадан бир йил ўтар-ўтмасдан тили ширин, оёқ-қўли чаққон йигитни дўкон мудирлигига тайинлашди. Истиқлолдан сўнг юз берган ўзгаришлар Алишерни бефарқ қолдирмади, юрагидаги болалик иштиёқи алангалади. Дўкондаги фаолиятини тўхтатмаган ҳолда фермер бўлиш истагини билдириб, ариза ёзди.

Дастлаб тўрт бош қорамол олиб йил охиригача уларнинг сонини ўн бошга етказди. Туман ҳокимияти уни қўллаб-қувватлади. 21 гектар ер қўшиб берди. Натижада ҳосилдорлик бир йил олдингига нисбатан 5 центнерга кўтарилди. Аниқроқ айтганда, ҳар гектар майдондан 37,1 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олинди. Ғалла ҳосили ҳам ёмон бўлмади. Бундан ташқари, сабзавот, поти. 60 бош қорамол боқилаётган чорвачилик фермасидан ҳам ўнга яқин киши ўз ўрнини топган.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, сигирлардан соғиб олинаётган сут асосан яқин-атроф қишлоқлардаги болалар боғчаларига, шифохоналарга етказиб берилади. Фермер хўжалиги чорвачилик фермасидан унча узоқ бўлмаган ерда жойлашган. «Бешкапа» болалар нафас йўллари касалликларини даволаш сиҳатгоҳига йўлимиз тушганда, бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик ва ушбу фермер хўжалиги бошлиғи Алишер Дадабоев номига айтилган дил сўзларини эшитдик.

Тадбиркорнинг етим-есирлар бошини силаш, муҳтожларни қўллаб-қувватлаш бобидаги ишларини эшитган ҳар қандай киши тўлқинланмасдан қолмайди. Қишлоқдагиларнинг айтишларича Жамилахон деган аёл қизини узатадиган бўлиб қолади. Аммо эри оламдан ўтган бўлиб, боши қотди ва баъзилар маслаҳати билан А.Дадабоевга учрашди. Унинг илтимоси ўша куниёқ қондирилди. Абдусамад исмли кишининг ўғлини уйлантиришда, кўп болали Маҳмуджон аканинг иморат қуришида ёрдам қўлини чўзди. Умуман Алишер акаларнинг кўмагидан баҳраманд бўлиб келаётган бу сингари оилалар анчагина.

40-50 килограмм тош босадиган қўчқор сўйилиб, палов дамланди, ноз-неъматлар тўла дастурхон ёзилди. Вилоятнинг таниқли санъаткорлари таклиф этилиб, концерлиз ва озуқа экинларидан ҳам баракали хирмон кўтарилди. Шундай қилиб, ўтган ҳар бир йил у раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги жамоаси учун юксалиш, тараққиёт йиллари сифатда из қолдирди.

Биз ахтариб борганимизда қўшни қишлоқда қаровчисини йўқотган, ҳозир бетоб ётган якка-ёлғиз қария ҳолидан хабар олган кетган экан.

– Унинг одати шунақа, – дейишди бир гуруҳ оқсоқоллар. – Бирон киши бошига иш тушганини эшитса, кўмаклашмагунча тинмайди.

Ҳозирги кунда эллик нафарга яқин киши фермер хўжалигидан иш топиб рўзғор тебратмоқда. – Йиғим-терим ва баҳорги экиш даврида улар сони икки баробар кўпаяди. Деҳқончиликдан ташқари, озиқ-овқат дўконлари, мойжувоз, енгил автомобилларга хизмат кўрсатувчи шохобча, қассобхоналар кўпчилик ҳожатини чиқармоқда, узоғини яқин қиляпти. 60 бош қорамол боқилаётган чорвачилик фермасидан ҳам ўнга яқин киши ўз ўрнини топган.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, сигирлардан соғиб олинаётган сут асосан яқин-атроф қишлоқлардаги болалар боғчаларига, шифохоналарга етказиб берилади. Фермер хўжалиги чорвачилик фермасидан унча узоқ бўлмаган ерда жойлашган. «Бешкапа» болалар нафас йўллари касалликларини даволаш сиҳатгоҳига йўлимиз тушганда, бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик ва ушбу фермер хўжалиги бошлиғи Алишер Дадабоев номига айтилган дил сўзларини эшитдик.

Тадбиркорнинг етим-есирлар бошини силаш, муҳтожларни қўллаб-қувватлаш бобидаги ишларини эшитган ҳар қандай киши тўлқинланмасдан қолмайди. Қишлоқдагиларнинг айтишларича Жамилахон деган аёл қизини узатадиган бўлиб қолади. Аммо эри оламдан ўтган бўлиб, боши қотди ва баъзилар маслаҳати билан А.Дадабоевга учрашди. Унинг илтимоси ўша куниёқ қондирилди. Абдусамад исмли кишининг ўғлини уйлантиришда, кўп болали Маҳмуджон аканинг иморат қуришида ёрдам қўлини чўзди. Умуман Алишер акаларнинг кўмагидан баҳраманд бўлиб келаётган бу сингари оилалар анчагина.

40-50 килограмм тош босадиган қўчқор сўйилиб, палов дамланди, ноз-неъматлар тўла дастурхон ёзилди. Вилоятнинг таниқли санъаткорлари таклиф этилиб, концертлар уюштирилди. Бундан ташқари фермер қишлоқлар ободонлашуви, йўллар равонлашуви ва кўприклар қурилишида, боғча ва мактаблар таъмирланишида имкон қадар ёрдам кўрсатмоқда.

– Бу йил буғдойдан мўл ҳосил кўтардик. Ҳар гектар ер ҳосилдорлигини 70 центнерга етказдик. Аъзоларимизнинг ҳар бири уйига ҳар қачонгидан кўпроқ дон кирди, – дейди А.Дадабоев. – Пахтачилик соҳасида ҳам олдинги йиллардагидан кўра юқорироқ натижага эришишни мўлжаллаганмиз. Ягона мақсадимиз ва эзгу ниятимиз халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошувига, элимизнинг дастурхони бундан ҳам тўкин бўлишлигига, жонажон Ўзбекистонимиз иқтисодий қудрати юксалишига ҳисса қўшиш.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

БИГИЗ КАШТАЧИЛИГИ

Халқ амалий санъатининг ҳали ўрганилмаган қирралари жуда кўп. Бигиз каштачилиги ана шулардан бири ҳисобланади.

Маълумки Шаҳрисабз ва унинг атрофидаги ҳудудларда бигиз ёрдамида кашта тикиш мавжуд бўлган.

Аммо вақт ўтиши билан санъатнинг бу турига бўлган эътибор сусайганди. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор, албатта. Турғунлик йилларида санъатнинг бу турига паст назар билан қарашган. Истиқлол шарофати билан бугун ўзбек халқ амалий санъати қайта тикланди.

Кўпгина халқаро ташкилотлар, жумладан ЮНЕСКО ҳунармандларимиз томонидан яратилаётган сўзана, жойпуш, палак каби маҳсулот турларига катта қизиқиш билан қарамоқда. Яқин вақтлар ичида Шаҳрисабзнинг бигиз каштачилиги ҳам ўзининг бор жозибаси билан намоён бўлмоқда. Бу усул мураккаб бўлиб кашта бўз ёки адрасга учи ингичка илмоқли бигиз ёрдамида туширилади. Энг муҳими табиий бўёқлардан фойдаланилади. Ҳозирча пиёз, анор каби ўсимликларнинг пўсти ва пўчоғидан табиий ранг тайёрлаш технологияси ўзлаштириляпти. ЮНЕСКО рўйхатига кирган Шаҳрисабз шаҳрида бигиз каштачилиги билан уч нафар хотин қиз шуғулланишни аллақачон бошлаб юборишган.

"Туркистон-пресс"

ЭНГ ТОТЛИ НЕЪМАТ

Тошкент вилояти деҳқонлари пойтахт аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида шу йилнинг 1 августидан бошлаб шаҳар бозорларида савдо-ярмаркалари фаолиятини йўлга қўйди.

- Айни пайтгача пойтахтнинг Миробод, Бектемир деҳқон бозорлари ва унинг ўндан ортиқ шохобчаларига минг тоннага яқин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди, - дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бўлими бошлиғи Маъруф Айхўжаев. - Вилоятнинг Чиноз, Оққўрғон, Бекобод, Бўстонлиқ каби туманларидан келтирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорга нисбатан 30 фоизгача арзон нархларда сотиляпти.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан деҳқонларнинг савдо қилиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Белгиланган режага кўра, бу йил пойтахтликлар дастурхонига 10 сентябргача икки минг тоннадан ортиқ маҳсулот етказиб берилади.

Бахтли лаҳзалар





ЎЛИМ ЖАЗОСИ

ўтмишда ва бугун

(Боши 1-бетда)

Европа уйғониш даврининг машҳур ҳуқуқшуноси Ч. Беккариа «Жиноятлар ва жазолар ҳақида» асарида (1764 йил) шундай ёзади: «Ўлим жазоси фойдасиз, чунки у инсонларни қаҳри қаттиқ бўлишига олиб келади». Унинг фикрича, ўлим жазоси жиноятнинг олдини олиш вазифасини бажармайди, бундай жазони қўллаш учун инсонларга ҳеч қандай қонуний ҳуқуқ берилмаган, ҳар қандай ҳолатда ҳам бу жазо адолатсизлик деб қаралиши лозим. Ўз даврининг илғор маърифатчиси бўлган бу мутафаккир жазонинг мақсади айбдорнинг яна жамиятга зарар етказмаслиги ва бошқаларнинг ҳам зиён етказишидан сақлашидан иборат бўлиши лозим, деган фикрни илгари сурган.

Ш. Монтескье эса жиноят ҳуқуқи билан боғлиқ ўз қарашларини «Персид хати», «Қонун руҳи ҳақида» рисолаларида баён этиб, диний қарашлар замирида содир этилган жиноятларга (ўша даврда маҳкумлар гулханда ёқиларди) ўлим жазоси қўлланилмаслиги ва бундай жиноятлар учун жазо турларини қонунда қатъий белгилашни талаб қилган.

Ч. Беккариа ва Ш. Монтескьенинг шунга ўхшаш илғор ҳуқуқий қарашлари кейинчалик Францияда «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари» тўғрисида Декларациянинг (1789 й.) ва дунёдаги биринчи Жиноят кодексининг (1701 й.) қабул қилинишига асос бўлиб хизмат қилган.

Ҳозирги замон рус олимларидан В. Квашиснинг таъкидлашича, умумий превенция нуқтаи назаридан ўлим жазоси институтининг криминологик аҳамияти йўқ. Олим бу фикрини «XX аср бошларидаёқ криминологик фан ўлим жазосини қўллаш самара бермаслигини ишонарли тарзда исботловчи жуда катта эмпирик маълумотлар тўплаган эди» деб асослайди.

Бу фикрларнинг нечоғли асосли эканлигини қуйидаги мисоллар ёрдамида асослашга ҳаракат қиламиз (зеро, ўрта асрларда ўлим жазоси жиноятчиликка қарши курашда асосий жазо тариқасида қўлланилгани тарихдан маълум): Германияда Карл V даврида 100 минг нафар, Англияда Генрих VIII томонидан 70 минг нафар, Нидерландияда Филипп II томонидан 18 минг нафар кишига ўлим жазоси белгиланган. Россия тарихида Иван Грозний деб ном олган Иван IV даврида қабул қилинган «Суд» ҳужжатида 60 турдаги жиноятларга ўлим жазоси кўзда тутилган. Аммо, уларнинг барчасида жиноятчилик камайиш ўрнига йилдан-йилга ошиб боравергани тарихий ҳақиқат.

Энди миллий қонунчилигимизга назар ташласак, жазолаш (иқоб) ислом жиноят ҳуқуқининг (уқубот) энг муҳим хусусиятларидан бири саналганига гувоҳ бўламиз. Шарқнинг машҳур фиқҳшуноси Бурҳониддин Марғиноний ўзининг «Ҳидоя» асарида жазога шундай таъриф беради: «Жазонинг мақсади - жиноят содир этмаслик учун қўрқитиш... таъзир жазоси - инсонни тузатиш демакдир».

Дарҳақиқат, шариатда саноқли ўта оғир жиноятларга ўлим жазоси белгиланган. Ушбу жиноятларни фош этишда исботлаш жараёнини синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва холис ўтказиш талаб қилинган. Айниқса, далилларни баҳолашда эҳтиёткорлик билан ёндашилган. Назарий манбаларда қайд этилишича, исботлаш жараёнида пайдо бўлган ҳар қандай шубҳа айбдор фойдасига ҳал этилган.

Юридик фанлари доктори М.Ражабованинг эътироф этишича, жисмоний ёки ўлим жазоси кўзда тутилган жиноятни содир этганларга нисбатан шубҳа пайдо бўлганда, ҳеч иккиланмасдан тўғридан-тўғри, мисол учун жарима, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш, жамоатчилик иззаси каби жазолардан фойдаланилган, ҳатто жазодан озод қилиш тартиби ҳам қўлланилган.

Энди эса ўлим жазосини бекор қилиш ёки зарурлиги тўғрисида ўз фикримизни билдиришдан аввал ўлим жазоси тушунчасига мурожаат қилсак. Ўлим жазоси - бу инсоннинг ҳаётдан маҳрум этилишидир. Биз муҳокама қилаётган ҳолатда ўлим жазо тариқасида қўлланилиши оқибатида содир бўлади. Демак, жазоларнинг энг юқориси, яъни энг оғири бу - ўлим жазосидир. Ушбу жазо натижасида инсон энг олий неъмат - ҳаётдан маҳрум этилади.

Амалиётдан маълумки, ўлим жазосининг тайинланиши маҳкумни ҳам руҳан, ҳам жисмонан изтиробга солади. Жазонинг ижро этилиши эса маҳкум учун ҳеч қандай тарбиявий аҳамиятга эга эмас, яъни уни ахлоқан тузатмайди. Балки маҳкумнинг биологик фаолиятига сўнгги нуқта қўяди, холос.

Бошқа жазо чораларида, масалан, озодликдан маҳрум қилишда шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари маълум вақт мобайнида чеклаб қўйилади. У оиласи, фарзандлари билан мулоқотда бўлиш, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади ёки маълум вақт мобайнида мажбурий меҳнатга жалб қилинади ва назорат остида сақланади. Ўлим жазоси эса қатъий равишда ижро этилиб, инсонни яшаш ҳуқуқидан абадий маҳрум этади ва қутилиш имкониятидан маҳрум қилинган чора турига киради.

Хулоса қилиб айтганда, ўлим жазоси жиноятчиликнинг олдини олишда омил бўла олмайди. Шу боис, бу жазо инсон ҳуқуқларига мутлақо зид. Энг муҳими, аҳолининг асосий қисми ўлим жазосининг бекор қилиниши тарафдори. Қолаверса, ўлим жазосини юридик маънода жазо деб ҳам бўлмайди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилиги (ЖКнинг 7-моддаси, Инсонпарварлик принципи) талабларига кўра, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишига йўл қўймаслик учун зарур ҳамда етарли жазо тайинланиши лозим.

Жиноий жазоларни қўллашдан мақсад жиноят содир этган шахсларни қайта тарбиялаш, уни жамият учун хавфли ҳаракатлардан тийиш, кейинги фаолиятини фойдали томонларга буриш воситаси ҳисобланади. Маҳкум жазони ўташ пайтида озодлик ва инсон яшаши учун зарур бўлган бошқа ҳуқуқларнинг қадрига етади, қайта тарбияланади.

Шундай экан, «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармон тўлиқ юридик асосга эга.

Маълумки, собиқ шўро даврида Жиноят кодексида 33 та жиноятга ўлим жазоси кўзда тутилган эди. Мустақиллик шарофати билан қабул қилинган янги Жиноят кодексида (1994 й.) эса 20 та турдаги жиноятдан ўлим жазоси олиб ташланди.

Жиноятга оид қонунчиликни эркинлаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш масаласини муҳокама қилиш чоғида давлатимиз раҳбари жиноий жазоларни либераллаштиришдан кўзланган яна бир мақсад ўлим жазоси кўзда тутилган жиноятларни қисқартириш тўғрисида шундай фикр билдирган эди: «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюциясида «ўлим жазоси» масаласида кўзда тутиладиган асосий мақсад - бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар миқдорини янада камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозим». Ана шу устувор вазифадан келиб чиқиб 1998 йилда Жиноят кодексидаги бешта моддадан ўлим жазоси олиб ташланди. 2001 йилда яна тўртта моддадаги жазо қисқартирилди. 60 ёшдан ошган шахсларга, вояга етмаганларга ва хотин-қизларга нисбатан ўлим жазосини қўллаш ман этилди. 2003 йилда эса ўлим жазоси фақат иккита, яъни айбни оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учун тадбиқ этиладиган бўлди. Буларнинг барчаси, мамлакатимизнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида халқаро ҳужжатларда зикр этилган мажбуриятларни сўзсиз бажаришга интилаётганининг амалдаги исботи эди.

Юридик адабиётларда ўлим жазоси инкор этилувчи жазо тури сифатида қайд этилади. Чунки юқорида таъкидланганидек, ўлим жазоси жазонинг асосий вазифалари ва мақсадига эришишни инкор этади. Қолаверса, ўлим жазоси абсолют жазо эмас, яъни ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар учун фақатгина ягона жазо сифатида назарда тутилмаган. У доим қонунда альтернатив асосларда қўлланилади.

Кўпгина адабиётларда ўлим жазосини қўллаш амалиётга қараб қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Ҳар қандай жиноят учун ўлим жазосини қўлламайдиган давлатлар. Булар сирасига Германия, Италия, Чехия, Франция каби давлатлар киради ва бугунги кунда уларнинг сони 108 тани ташкил этади. Жуда кўп мамлакатларда аболиционистлар, яъни ўлим жазосини тўлалигича бекор қилиш тарафдорлари кўпайиб бормоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, Германияда ўлим жазоси бекор қилинган бўлишига қарамай, жиноятчиликнинг даражаси анча паст эканлиги кузатилмоқда;

2. Ўта оғир жиноятлар ҳамда махсус ҳолатларда (масалан, уруш пайтида қилинган) жиноятлардан бошқа жиноятлар учун ўлим жазосини қўлламайдиган давлатлар: Буюк Британия, Мальта, Кипр ва бошқалар;

3. Ўз қонунчилигида ўлим жазосини қолдирган, лекин кейинги 10 йил давомида уни амалда қўлламаётган давлатлар: Чили, Туркия, Конго каби 30 дан ортиқ давлатларни келтириш мумкин;

4. Умумжиноий жиноятлар учун ўлим жазосини қўллайдиган давлатлар: Хитой, Ҳиндистон, Япония, Покистон. Бугунги кунда бундай давлатлар сони 80 тага яқин.

Айтиш жоизки, ғарб давлатларида жиноят ва жазо масалалари ривожлантирилиб, «янги ижтимоий ҳимоя» назарияси ишлаб чиқилган. Бу назария замирида қуйидаги ғоялар илгари сурилган:

- жиноятчиликка қарши кураш воситаларини алоҳида олинган бир шахсни жазолаш деб эмас, жамиятни ҳимоя қилиш воситаси деб қараш;
- ижтимоий ҳимоянинг мақсади - жиноятчини жамиятдан ажратган ҳолда тузатиш ва тарбиялаш чораларини қўллаш;
- жиноятчиликка қарши кураш сиёсати жиноятчининг жамият билан қайта муносабатини тиклашга, яъни уни қонун билан белгилаб берилган жамиятдаги меъёрларга риоя қилиш, одатдаги ҳаётга қайтаришга йўналтирилган бўлиши керак.

Ўлим жазосидан воз кечишнинг қуйидаги ижобий томонлари мавжуд:

- Ўлим жазосида жиноятнинг умумогоҳлантирувчи аҳамияти кам эканлиги. Агар жиноят спантан содир этилган бўлса, ё мастликнинг юқори даражасида қилинган бўлса, бу жазо кам аҳамият касб этади. Чунки айбдор бошқа жазо тури билан жазоланганда (масалан, озодликдан маҳрум этилганда) ўз қилмишининг нотўғри эканлигини англаш эҳтимоли юқорироқ бўларди;
- Суд хатосини тузатишга имкон бўлмаслиги, яъни ўлим жазоси ижро этилгандан сўнг суд хатосини тўғирлаш мумкин эмас. Бунга мисол тариқасида машҳур Витебск ишида маньяк содир этган жиноят учун айбсиз шахс ўлимга маҳкум қилинганлигини эслаш кифоя;

Ўта хавфли, шафқатсиз жиноятчиларга умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлланиши кучлироқ таъсир этади. Бундай ҳолат жазо мақсадининг тўлароқ таъминланишига олиб келади;

- Инсон ҳаёти - олий неъмат. Демак, унинг бошқа киши томонидан олиниши мумкин эмас. Бу инсонпарварлик ғояларига зиддир;
- Жазонинг асосий мақсади - ахлоқ тузатиш вазифаси ўлим жазоси орқали амалга ошмаслиги. Инсон ҳаётдан маҳрум этилганда, унинг ахлоқий тузатилиши мумкин бўлмайди.

Хулоса шуки, мустақиллик шарофати билан юз бераётган ижобий ўзгаришлар, ҳуқуқий ислоҳотлар, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида либераллаштириш жараёнига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилишга қулай замин яратилди. Буни халқимизнинг ўсиб бораётган ҳуқуқий онгида, бу масалани ҳал этишда узоқ тадрижий йўл босиб ўтилганида кўришимиз мумкин. Шу маънода Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони улкан воқеа бўлди.

Олимжон ЎСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ТЎЛИҚ ТУШУНЧА БЕРСАНГИЗ

Саволингизга ҳуқуқшунос Арипжон Ғайназаров жавоб беради

САВОЛ: Аёлларга бола икки ёшга тўлгунга қадар тўланадиган нафақани тайинлашда қайси ҳолларда оиланинг даромади ҳисобга олинади ва қайси ҳолларда ҳисобга олинмайди? Ушбу нафақа қай ҳолатларда тўхтатиб қўйилиши мумкин?

А.БЕРДИЕВ,
Хива тумани

ЖАВОБ: Амалдаги қонунчиликка кўра оналар болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа олиш ҳуқуқига эгадилар. Нафақа фарзандларнинг сонидан ҳамда нафақа олувчи шахснинг меҳнат стажидан қатъий назар республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдорида тайинланади.

Болани парвариш қилаётган аёлларнинг баъзилари ишласалар, баъзилари ишламайдилар. Агар ишлаётган бўлса нафақа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1113 рақам билан рўйхатга олинган "Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга кўра иш жойидан тайинланади. Нафақа тайинлаш учун ариза ва бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси тақдим этилади. Нафақа ариза берган кундан бошлаб тайинланади. Ариза ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида топширилган бўлса, нафақа таътил тугаганидан кейинги кундан тайинланади. Бундай ҳолатда ушбу нафақани тайинлаш учун оиланинг даромади ва аёлнинг меҳнат стажи ҳисобга олинмайди. Нафақа тайинлаш учун маъмурият буйруғи асос ҳисобланади. Бу ҳуқуқдан боланинг отаси ёки болани амалда парваришлаётган бошқа қариндошлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ишламаётган оналарга эса нафақа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1112 рақам билан рўйхатга олинган "Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа олиш ҳуқуқига эгадилар. Нафақа фарзандларнинг сонидан ҳамда нафақа олувчи шахснинг меҳнат стажидан қатъий назар республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдорида тайинланади.

Оила аъзоларининг умумий даромадлари таркибига қуйидагилар ҳисобга олинади:

— солиққа тортиладиган даромадлар;
— пенсиялар;
— стипендиялар;
— ижтимоий тусдаги бошқа тўловлар (болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича бериладиган нафақа бундан мустасно);
— шахсий ёрдамчи хўжалигидан олинадиган даромадлар.

Ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган умумий даромад қуйидаги тарзда аниқланади. Ариза берган ойдан олдинги 12 ой давомидаги барча даромадлар қўшилади ва оила аъзолари сонига ҳамда 12 га бўлинади.

Нафақа фуқаролар йиғинининг айби билан ўз вақтида тўланмаган бўлса, ўтган вақт учун ҳеч қандай муддат билан чегараланмасдан берилади.

Бироқ, қуйидаги ҳолатларда оиланинг даромади ҳисобга олинмасдан нафақа тайинланади:

— болани тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган онага ва отага;
— ногирон болани тарбиялаётган онага. Бунда оила умумий даромади оиланинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам бўлган миқдорда тўғри келса нафақа тайинланади.

Даромаднинг оиладаги ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик миқдори нафақа тайинлашни сўраб мурожаат қилинган ойдан олдинги 12 ой давомидаги даври ҳисоблаб чиқилади.

Болани парвариш қилиш даврида тўлиқсиз иш куни шароитида ёки иш берувчи билан келишилган ҳолда уйда ишлаётган бўлса, у бир вақтнинг ўзида ҳам болани парваришлаш нафақасини, ҳам иш ҳақини олиш ҳуқуқига эга.

Корхона (ташкилот)нинг болани парваришлаш нафақаларини тўлаш учун сарф қилган маблағлари давр харажатлари деб ҳисобланади ва фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда юридик шахснинг солиққа тортиладиган базаси ана шу миқдорга камайтирилади. Мазкур нафақага ижтимоий суғурта бадаллари ҳисоблаб чиқилмайди.

Болани парваришлаш нафақасини тўлаш фақат қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:

а) бола икки ёшга тўлганда;
б) бола ихтисослашган муассасага жойлаштирилиб тўлиқ давлат таъминотига ўтказилганда;
в) бола вафот этганда;
г) бола оиласи билан бирга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш учун кўчиб кетганда.

Биздан сўраган эдингиз



Саволингизга ҳуқуқшунос Ғафуржон Ғойибов жавоб беради

САВОЛ: интизомий жазонинг амал қилиш муддати ва унинг устидан шикоят қилиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

Д.МАҲМУДОВА,
Шофиркон тумани

ЖАВОБ: Амалдаги МКнинг 183-моддасига асосан ходимга нисбатан қўлланилган интизомий жазонинг амал қилиш муддати 1 йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ана шу бир йиллик муддат ичида ходимга нисбатан яна бошқа интизомий жазо чораси қўлланилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади. Интизомий жазо чорасини қўллаган иш берувчи ўз ташаббусига кўра, ходимнинг илтимосига, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосига кўра бир йиллик муддат ўтмасдан олдин ҳам жазо чорасини олиб ташлаши мумкин.

Қўлланилган интизомий жазо чораси устидан якка меҳнат низоларини кўриш учун белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин. Меҳнат низосини кўриб чиқувчи орган ходимнинг ҳулқ-атворини, унинг меҳнатга бўлган муносабатини, содир этилган тартиббузарликнинг қай ҳолатда юз берганлигини, иш берувчи томонидан интизомий жазо чорасини қўллаш тартибига қанчалик риоя этилганлигини ҳисобга олиб, қўлланилган интизомий жазони ноқонуний деб топиш ва уни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақлидир.

Мустақилликнинг 14 йиллиги байрами арафасида Наманган вилоятининг тоғолди Янгиқўрғон туманида янги замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлашган туман давлат солиқ инспекциясининг биноси қад ростлади. Бу ерда солиқ тўловчилар ҳамда инспекция ходимлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Куни кеча мазкур бино фойдаланишга топширилди.

Суратларда: инспекция бошлиғи ўринбосари Нўъмонжон Мамажонов ҳамда статистика бўлими катта инспектори Наргиза Сайфиддинова солиқ тўловчи билан суҳбатда; янги бинонинг умумий кўриниши.

Р.МАҲКАМОВА
олган суратлар

ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТИШ МАЖБУРИЙМИ?

Саволингизга адвокат Муҳаммад Абдуллаев жавоб беради

САВОЛ: Амалдаги конунчиликда барча ишга кирувчилар ва барча ишлаётган ходимлар иш давомида тиббий кўрикдан ўтишлиги белгиланганми? Тиббий кўрикдан ўтишдаги харажатлар ходим томонидан қопланадими?

Т.ОТАБЕКОВ,
Фориш тумани

ЖАВОБ: Меҳнат кодексининг 214-моддасида иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва иш давомида вақтиваҳти билан қуйидаги ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:

- ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;
- олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;
- ногиронлар;
- меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;
- озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;
- умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Юқорида қайд этилган ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир.

Ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиги ҳолатига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир.

Тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар.

Ифтихор

Вилоят пойтахтидаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи шу кунларда халқ сайилгоҳига айланган. Кураш майдонида пайшанба, шанба, якшанба кунларида ишқибозларнинг кийкириклари кун бўйи янграб турипти. «Яшшавор, азамат!», «Отангга раҳмат!», «Қойил!» дея курашда қўли баланд келган полвонлар шаънига ёғилаётган олқишлар, хитоблар тадбирга кўтаринкилик, файз бағишламоқда. Белбоғли кураш соҳибларининг саралаш босқичи ана шундай тантанавор рухда ўтаяпти.

АНДИЖОН ПОЛВОНЛАРИ

14 та туман, 5 та шаҳарда фаолият кўрсатаётган спорт жамоалари ўзларининг нималарга қодирлигини намоён этмоқдалар. Кўрик икки босқичда, командаларараро ҳамда шахсий биринчилик учун бормоқда. Ҳудудларда биринчиликни эгаллаган жамоалар ва полвонлар вилоят танловида кураги ерга тегмаса, ўз-ўзидан тушунарли республика босқичига йўл олишади. Шу боис маҳалла, қишлоқ, туман ва шаҳарларда омади чопган полвонлар пойтахтга йўл олиш учун кураш гиламларида маҳорат ва чапдастликларини астойдил намойиш этмоқдалар.

Айниқса, олий ўқув юртлари ўртасида командаларараро саралаш ва шахсий биринчилик учун белбоғли кураш қизғин боряпти. Иқтисодиёт, пахтачилик, тиллар олийгоҳлари, жумладан, Андижон давлат университети спорт заллари белбоғли кураш ихлосмандлари билан гавжум. Жисмоний тарбия ва спорт факультетининг белбоғли кураш бўйича мураббийи, шу соҳа юзасидан республика тофиасидаги ҳакам Сайдулло Холмирзаев дорилфунунда мусобақаларнинг боришини шундай шарҳлайди:

– Белбоғли кураш ҳавасмандлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Махсус курашхона яқинда сифатли қилиб таъмирдан чиқарилиб, зарур спорт анжомлари билан жиҳозланди. Сузиш ҳавзаси, атлетизм хонаси, тренажёрлар мажмуаси, душ, сауна ёш полвонлар ихтиёрида. Яна бир янгилик. Куни кеча футбол ўйингоҳи, волейбол майдони жиҳозланиб фойдаланишга топширилди. Сардор Йўлдошев бошлиқ спорт клубидан ёзги таътил бўлишига қарамай, университет шаҳарчаси ҳудудидаги ишқибозлар қадамларини узмайдилар. Эркин кураш, қўл тўпи, шоҳмот-шашка, каратэ секциялари мунтазам ишлаб турибди.

Мураббий гап орасида клуб ташаббуси билан хотира турнирлари, оилавий спорт мусобақалари, кроссларнинг ўтказиш анъанага айланганлигини таъкидлади. Сайдулло клуб ҳузуридаги белбоғли кураш секцияси ишига алоҳида тўхталди. Билсак, секцияни мураббийнинг ўзи бошқараркан. 25 нафар талаба белбоғли кураш билан шуғулланаётганлиги ойдинлашди. Шогирдлар орасидан нафақат вилоят, балки мамлакатнинг фахрига айланган белбоғли кураш усталари етишиб чиққан. Жорий йилда Самарқанд шаҳрида якунланган «Универсиада - 2005» чемпиони олтин медал соҳиби Зоҳиджон Жумақуловни ким билмайди, дейсиз. У ҳозирда магистр, эртанги ҳаётини спорт билан чамбарчас боғлаган. Жисмоний тарбия ва спорт куллиётининг охирги курс талабаси Муҳиддин Ашуров белбоғли кураш соҳасида Марказий Осиё чемпионлигини қўлга киритган. Халқаро беллашувларда Ўзбекистон байроғини елкасида кўтариб давлатимиз мадҳиялари садолари остида бир неча бор ҳурмат шоҳ-супасига кўтарилган. Бугунги кунда университет академик-лицейида белбоғли кураш сирларини ёшларга қунт билан ўргатмоқда.

Талаба ёшлар сафида қизларнинг спортга интилишаётганлиги қувонарлидир. Самбо ҳам белбоғли курашнинг бир тури. Спорт майдонларида талаба қизлар қўл жангларида маҳорат, куч-қудратда йигитлар билан тенглашаётганликлари таҳсинга лойиқ. Негаки, Ватанимиз ҳимоясига отланаётган Алпомишлар қаторида Барчинойлар ҳам бор. Гўзал Каримова улардан бири. Гўзал бўш вақтини спорт залларида ўтказади. Натижада самбо устаси бўлиб етишди. Хатто, халқаро турнирларда самбо бўйича рақибларидан тактик устунликка эришиб, мутлақ чемпионлик унвони эгаси бўлди. Дугонаси Гўзал Набиева спорт колледжининг собиқ талабаси. Мактабданоқ самбо спорт турига ҳавас қўйган. Университетга ўқишга киргач, малакали мураббийлар кўмагида қўл жанги машғулотларида чиниқди. Халқаро турнирларда аниқ зарбалари билан рақибларини доғда қолдириб, самбо устаси дея эътироф этилди.

Яқинда университетда спорт жонкуярларидан бири фахрий Жумақул Турсуновни ёдга олиб хотира турнири ўтказилди. Турнирда университетнинг ҳаваскор полвонлари кўрикдан ўтдилар. Талабалардан Хушнуд Ҳайдаров ҳамда Манзура Қодировалар гиламда рақибларининг курагини ерга теккизиб, совриндорлар қаторидан жой олдилар.

С.РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

УНУТИЛМАС СПОРТ БАЙРАМИ

Тадбир

"Алгоритм" очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли "Алгоритм" болалар соғломлаштириш оромгоҳи тўртинчи босқичининг очилиши дам олувчилар хотирасида узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди. У футбол бўйича фахрийлар ўртасида анъанавий халқаро турнир билан уйғунлашиб кетди.

Турнирда жами ўн жамоа, шу жумладан Ўзбекистонда фаолият юритаётган бир неча элчихона вакиллари иштирок этишди. Гарчанд майдонда фахрийлар тўп сурган эса-да, ҳар бир учрашув муросасиз кўриниш олди.

Ниҳоят, икки гуруҳ ғолиблари аниқлангач, ярим финал баҳслари бўлиб ўтди. Унда "Алгоритм" ҳамда Зарафшон қурилиш бошқармаси (ЗУС), "Пахтакор" ва Самарқанднинг "Фортуна" жамоалари ўзаро юзма-юз келдилар. Майдон эгаси ҳисобланмиш "Алгоритм" ўз мағлубиятини тан олишга мажбур бўлди. "Пахтакор" эса "Фортуна" устидан ҳар жиҳатдан устунликка эришиб, омад калити ўзига тегишли эканини амалда исботлай билди.

Шундай қилиб финалда "Пахтакор" ва "ЗУС" ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Бугунги кунда "Пахтакор" ўз рақибига қараганда анча кучли эканлигини намойиш этиб, 5:2 ҳисобида зафар қучди. Учинчи ўрин "Алгоритм"га насиб этди.

Албатта, таомилга кўра ғолиблар турли даражадаги совринлар билан тақдирланишди. Лекин турнирнинг ўзига хослиги шуки, жамоалар ушбу мусобақага кела туриб, оромгоҳда дам олаётган ўғил-қизларни ҳам унутмаган эдилар. Болаларга совғалар тақдим этилди. Ҳомийлар - Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари спорт ва жисмоний тарбия жамияти, шунингдек, "Ўзметмашсаноат", "Ватанпарвар" жамияти, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Болалар спортини ривожлантириш" жамғармаси, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ва бошқалар ҳам ўз мукофотларини эгаларига топширишди.

Рустам Ҳамроқулов раҳбарлигидаги "Алладин" ва Лариса Ким етакчилик қилаётган "Ракс" ансамбллари ижросидаги бадиий чиқишлар барчада чуқур таассурот қолдирди.

В.МАРТИНОВ

Ибрат

Бундан 15 йил бурун Омонбой Абдуллаев Дўстлик туманидаги «Оқ олтин» агрохизмат маркази ҳудудида «Машъал» фермер хўжалиги ташкил этганди. 85 гектар ерда дехкончилик килиб, кам бўлмади. Режалар ошиғи билан адо этилди. Бу табиий. Чунки у олий маълумотли ҳосилот. Карийб ўттиз йилдирки ер билан «тиллашиб» келади. Звено бошлиғи, бригадир, бўлим бошқарувчиси лавозимларида ишлаб, дехкончилик ҳадисини олган.

САХОВАТПЕША ФЕРМЕР

болалар боғчасига уч миллион сўмлик жиҳоз олиб берди

Фермер хўжалигида 26 нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг барчаси Омонбой фермернинг фарзандлари, келинлари, қариндош-уруғлари. Ҳар бир ишчи ойма-ой маошини олиб турибди. Шунингдек, ҳар йили буғдой, ўсимлик ёғи ҳам берилади. Ҳар йили саховатли ишлар учун бир миллион сўм атрофида маблағ сарфланяпти. Яқинда фермер хўжалиги қишлоғидаги «Баҳор» мактабгача таълим муассасасига 3 миллион сўмлик жиҳозлар совға қилди. Пианино, видео-телевизор, диван-кресло, стол-стул, гилам поёндозлар болалар ихтиёрига берилди.

– Истиқлол берган имкон туфайли фермер бўлдим, озми-кўпми даромад кўраяпман, – дейди фермер Омонбой ака. – Элим билан бўлишиб, баҳам кўриш бурчим. Невараларим боғчага қатнайди, кун бўйи у ерда бўлади. Оз бўлса-да, шароит яратилса бориб, ўз хўжалигини янада ривожлантириш мақсади билан меҳнат қилмоқда. Ун тайёрлайдиган тегирмон, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик цех қуриш режаси бор. Бу йил ер майдонини 123 гектарга кўпайтирди. Ўтган йилги соф даромади 27 миллион сўмни ташкил этган эди. Бу йилгиси янада салмоқли бўлиши кутилмоқда.

Б.НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

Енгил атлетика

РАҚИБАСИНИ ТУРТИБ ЮБОРГАНИ УЧУН

Финляндия пойтахти Хельсинкида бўлиб ўтган енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати баҳсларининг сўнгги кунида россияликлар иккита олтин, иккита кумуш ва битта бронза медалларини қўлга киритишди. Хусусан, Юлия Чиженко 1500 метрга иккинчи бўлиб маррага етиб келди. Бироқ, у рақибасини туртиб юборгани учун медалдан маҳрум бўлди. Шундай қилиб, жами еттита олтин медални қўлга киритган Россия жамоаси сўнгги 20 йил муқаддам эгаллаган натижани такрорлади. Умумжамоа ҳисобида америкаликлар 14 та олий мукофот билан биринчи ўрин соҳибига айландилар.

Теннис

ДЭВИНПОРТ ШАРАПОВАНИ ОРТДА ҚОЛДИРДИ

Россиялик ёш теннис юлдузи Мария Шарапова WTA таснифида 102 балл тўплаб, америкалик Линдсэй Дэвинпортдан сўнг иккинчи ўринга кўтарилди. Америкалик теннисчи Шараповани 17 баллга ортда қолдирди. Мария якшанба куни Торонтода бошланадиган турнирда қатнаша олмаслигини маълум қилди. Америкалик Винус Уильямс ҳамда россиялик Надежда Петровадан ўзиб кетган Ким Клэстерс Лос-Анжелесда ўтган финалда Халтукова устидан қозонган ғалабаси туфайли тасниф бўйича саккизинчи ўринни банд этиб турибди.

Футбол

БЕРЛУСКОНИ КУБОГИ «МИЛАН»ДА

Фақат бир ўйинда ҳал бўладиган «Берлускони кубоги» баҳсларида «Милан» ўз майдонида «Ювентус» жамоасини қабул қилди. Бу галги ўйинда Андрей Шевченко жамоаси биринчи таймда ўтказиб юборилган голга икки тўп билан жавоб қайтариб, ғолибликни қўлга киритди.

Умуман ўйин шиддатли кечди. Чехиялик ярим ҳимоячи Павел Недвед жароҳат олди. Туринликлар дарвозабони Буффон ҳам елкасидан қаттиқ шикастланди. Жамоа мураббийлар штаби унинг тезда соғайишига умид билдирмоқда. Чунки «Ювентус»ни Италия супер кубоги учун «Интер»га қарши жиддий ўйин кутмоқда.

Бокс

ХАСИМ РАҲМОН ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Мутлақ вазнда собиқ жаҳон чемпиони Ҳасим Раҳмон WBC таснифида вақтинча чемпионлик камари учун кечган Монте Бареттига қарши жангда ишончли ғалабага эришди. Оддий ҳаётда дўст тутинган бу икки боксчининг жанги бир неча бора тўхтатилди. Чунки «муросали» ўтган жанг мухлисларнинг норозилигига сабаб бўлди. Бу матчда Раҳмон очколар ҳисобида зафар қучди.

А.ЮНУСОВ тайёрлади

Хабарлар оқимидан

МАГИСТРАНТЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Миллий университети олимлари муаллифлигида бир неча ўқув адабиётлари яратилди. Олий ўқув юрти механика-математика факультети профессор-ўқитувчиларининг ҳам бу борадаги изланишлари самарали бўлди.

Бундай ўқув қўлланмалари орасида «Математик физиканинг замонавий усуллари» китоби алоҳида ажралиб туради.

Факультет магистрантларини математик-физика таълимининг бугунги ҳолати билан ошно қилиш мақсадида босмага тайёрланган мазкур қўлланма дунё математик-физика билимлари тажрибалари асосида ёзилгани билан эътиборни ўзига тортади.

Янги нашр шу йўналишда ўзбек тилида яратилган биринчи ўқув адабиёти сифатида ҳам қимматлидир.

ОЛИМНИНГ САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТИ

«Янги аср авлоди» нашриёти яқинда чоп этган адабиёт тўплами «Шоира Муаззамхон» деб номланди.

Жиззахнинг XIX аср Зебунисоси деб ном олган бу таниқли шоира ҳаёти ва ижоди мазкур янги китобда ўз ифодасини топди.

Ўзбек мумтоз адабиёти билан яқиндан шуғулланиб келаётган адабиётшунос олим профессор Иноятулла Сувонқулов мазкур тадқиқот устида самарали иш олиб борди.

Адабиёт мухлисларини мамнун этган мазкур тўпламдан ўқув адабиёти сифатида фойдаланиш мумкин.

А.АЛИЕВ

Миннатдор қалб изҳори

ҲАЁТГА ҚАЙТИШ БАХТИ

Саломатлик – табиатнинг энг олий тухфаси. Афсуски, кўпчилигимиз саломатлик қадрига у ёки бу аъзоларимиз ўзидан дарак бериб, безовта килганидан кейингина етамиз.

– Яқинда юрагим ҳуруж қилиб, Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг жонлантириш ва жадал кардиология бўлимига тушиб қолдим, – дейди тошкентлик Малоҳат Маҳкамова. – Ҳеч кимни касал қилгудек бўлмасину, чет эл шифохоналаридан умуман фарқ қилмайдиган ушбу бўлимнинг фаолияти менга жуда маъқул бўлди. Худди туғишган жигарларимдек меҳрибончилик қилган тиббиёт ходимларининг ўз вазифасига сидқидилдан ёндошишларини-ку қўяверинг.

Бир чеккаси қизиқиш, бир чеккаси медицинамиздан ифтихор туйғуси беихтиёр Кардиология маркази томон етаклади. Дарҳақиқат, айтганларича бор экан. Жонлантириш бўлими 9 та, жадал кардиология бўлими 20 та беморга мўлжалланган бу маскан қайсидир маънода умид гулшани таърифига мос келади. Чунки кутилмаганда ўзини нохуш ҳис қилган, ҳатто ҳаётдан умидини узган қанчадан-қанча одамлар яна аввалгича, гўё ҳеч нарса бўлмагандек одатдагича турмуш тарзидан бошқалар қатори баҳраманд бўлишга бошлаганликлари ҳақида эшитиб, ўзимиз бунга гувоҳ бўлдик.

Албатта, айтишга осон. Бу миннатдор оҳанглар замирида машаққатли меҳнат ва албатта, катта маблағ эвазига яратиб қўйилган шарт-шароитлар ётибди. Хусусан, жонлантириш бўлими Венгриядан келтирилган қиймати 84 миллион сўмлик кардиомониторлар билан жиҳозланган бўлиб, ҳар бир бемор унга уланиб, барча ахборот шифокор ўтирган хонадаги марказий пультга узатилади. Шу тариқа шифокор ўтирган жойида беморнинг электрокардиограммаси, қон босими, томир уриши, тана ҳарорати, қоннинг кислородга тўйиниши даражаси хусусида тўла маълумотга эга бўлади.

Шунингдек, жонлантириш бўлимида юқори технологик усуллар ҳам амалга оширилади. Яъни ўткир миокард инфаркт билан оғриган беморларда касаллик бошлангандан кейинги биринчи олти соат ичида тож томирларда жойлашган тромбни эритиш учун тромболитик муолажа ўтказиш усули қўлланилади. Бу усулнинг афзаллиги миокард инфарктининг асоратларини бартараф этишга қаратилган.

– Ҳар қандай юқори технология уни бошқарадиган ва уни тушунадиган инсонлар билангина қадр топади, – дейди марказ директори, профессор Р.Қурбонов. – Ушбу мақсадларни кўзда тутган ҳолда ходимларимизни чет элда, хусусан, Исроил ва Россияда ўқиб, малакаларини ошириб қайтишларига жиддий эътибор қаратмоқдамиз.

Беморнинг кўнгли ўта нозик. Унинг қалбига йўл топиш, дардига малҳам бўлиш шифокорнинг маҳорати ва одамийлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бўлим раҳбари М.Пирназаров, бўлим мудири А.Мансуров, катта илмий ходим А.Никишин, шифокорлар А.Маликов, А.Маҳкамов ҳамда улар билан ёнма-ён туриб ўз вазифаларини сидқидилдан адо этаётган ўнлаб ҳамшираларнинг хизматлари туфайли ўлим билан юзлашган ва охир оқибатда ҳаётга қайтган инсонлар сони ортиб бормоқда.

Д.ХУДАЙБЕРГАНОВА

Таътил мазмунли ўтсин

МУДИРАЛАР АРҚОН ТОРТИШДИ

Уйчи туманида халқ таълими бўлими ҳамда ҳомий ташкилотлар кўмагида ёш авлодни тарбиялаш ҳамда турли хил тўгаракларга жалб этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурини бажариш юзасидан ногирон болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида «Расмларда акс этар қуёш» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда имконияти чекланган болалар иштирок этишди. Ёзги таътилда оромгоҳларда мириқиб дам олаётган ўқувчи ёшлар рассомчилик соҳасига қизиқишлари натижаси ўлароқ танловга сидқидилдан тайёргарлик кўрганликларини исботлашди. 24-ўрта мактабнинг 3-синф ўқувчиси Нурмуҳаммад Турсунов ҳамда 33-мактабнинг 7 -синфида таҳсил олаётган Юлдуз Жалоловалар юқори ўринларни эгаллашди.

– Бугунги кунда таълим даргоҳлари, мактабгача таълим муассасаларида турли кўрик-танловлар ташкил этишга катта эътибор берилмоқда, – дейди халқ таълими бўлими мудири М.Йўлдошев. – Мазкур кўрик ногирон болаларнинг саломатликларини тиклаш, улар ҳам жамиятнинг фаол аъзолари эканликларини ҳис қилишликлари учун хизмат қилади.

Яна бир тадбир хусусида тўхталсак. Вилоятда биринчилардан бўлиб, мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимлари ўртасида Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан спорт мусобақалари ташкил этдик. Унда фақат боғча мудиралари иштирок этиши шарт қилиб қўйилди. Ёшлар билан бирга 30-40 йил шу соҳада суяги қотган, омилкорона раҳбарлик қилиб келаётган мудиралар мусобақаларда иштирок этишди. Спортнинг волейбол, югуриш, шашка, арқон тортиш ҳамда сардорлар баҳси бўйича бўлиб ўтган мусобақада 10-мактабгача таълим муассасаси мудираси Наима Абдураҳмонова, 5-боғча мудираси Ёқутхон Ҳакимовалар совринли ўринларни эгаллашди. Ғолиблар туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вакиллиги томонидан рағбатлантирилди.

Ҳ.ҚОДИРОВ,
«Ишонч» мухбири

ИНФОРМАЦИЯ
о существенных фактах (событиях, действиях), затрагивающих финансово-хозяйственную деятельность эмитента
ОАО «КИМЁНОМАЪДАНГЕОЛОГИЯ СЕРВИС»

Порядковый номер сообщения – 08
Наступление сроков исполнения обязательств эмитента перед владельцами ценных бумаг.
– указание обязательства эмитента перед владельцами ценных бумаг -
выплата дивидендов за 2004 год.
- указание срока исполнения обязательства эмитента перед владельцами ценных бумаг - с 10 августа по 29 августа 2005 года.

«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси, Тошкент шаҳар автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Кенгаши жамоаси Компания бошқарув раисининг маслаҳатчиси Жаббор Рўзиевга турмуш ўртоғи **Дилбар РЎЗИЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616 12345